



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг

Эътироф

**ГУЛЛАЁТГАН
АДИБЛАР
ХИЁБОНИ**

«ИМКОНияТларни Бирлаштириб, Биз ЮКСАК МАҚСАДларга Эришамиз»



— **Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳи ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг “Туркия — Ўзбекистон” парламентларо дўстлик гуруҳи тузилган. Уларнинг биринчи қўшма мажлисида амалий тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) имзоланганди. Режада кўзда тутилган чора-тадбирлар қандай олиб борилмақда?**

— Юқориди айтиб ўтганимдек, давлатларимиз ўртасида ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича бир қанча ҳужжатлар имзоланган. Парламент, хусусан, Туркия Буюк миллат мажлиси вакиллари сифатида бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири ана шу шартномаларнинг амалий ифодасини таъминлаш йўлида фаол иш олиб боришдир.

“Йўл харитаси” доирасида пар-

ламентларимиз ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб борапти. Ўтган қисқа давр мобайнида икки давлат олий вакиллик органлари делегациялари бир неча мартадан ўзаро ташрифларни амалга оширдилар. Бизнинг Ўзбекистонга келишимиз ҳам “Йўл харитаси”дан ўрин олган муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан Туркия Буюк миллат мажлиси ўртасида ўзаро мулоқотни янада жонлантириш, қонунчилик соҳасида билим ва тажриба алмашинувини қўлайтиришдир. Бунда, албатта, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисидаги “Туркия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлари муҳим ўрин тутadi.

Мазкур сайъ-ҳаракатларнинг барчаси пировардида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик қўпригининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўрни келганда бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Келгуси ойда, аниқроғи, 8 — 11 октябрь кунлари Туркияда Евросиё парламентлари раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтади. Унда 35 парламент раҳбари, элчилар, нуфузли меҳмонлар қатнашиши кўтиляпти. Хусусан, Ўзбекистон парламенти вакиллари ҳам иштирок этади. У йирик анжуман бўлиб, минтақавий ва миллитлараро масалалар муҳокама қилинади. Ана шу мажлисда Ўзбекистоннинг қатнашишини биз жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

— **Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нималар дея олаемиз?**

— Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми айти айни пайтда 2 миллиард долларга ҳам етмайдди. Агар бугунги кунда Туркияда 81 миллион, Ўзбекистонда қарийб 33 миллион, қўшиб ҳисоблаганда 114 миллион аҳоли истиқомат қилишини инобатга олсак,

бундай катта нуфус, салоҳият учун ҳозирги натижа, албатта, жуда кам.

Тўғри, кўрсаткичларимиз ўтган йилдан эътиборан орта бошлади. Масалан, 2017 йилда ўзаро савдо 20 фоиз ўсган бўлса, бу йил 30 фоизга кўпайиши кўтиляпти. Биз кўзлаган марралар эса анча юксак. Жумладан, яқин йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард, ўрта ва узоқ истиқболда 5 миллиард, ҳатто 10 миллиард долларгача етказиш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Чунки Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам кучли ривожланган тармоқлар, йўналишлар мавжуд. Мухими — ана шу имкониятларни бирлаштира билиш. Шунда юқори натижаларни ҳам кўлга киритамиз, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини ҳам мустаҳкамлаган бўламиз.

— **Ўзбекистон халқига тилакларингиз.**

— Бу замин ўзбек халқи ва бизнинг ота юртимиздир. Дунё илм-фани, маданияти, муқаддас динимиз ривожига катта ҳисса қўшган буюк

алломаларни етиштириб берган давлат ҳисобланади. Туркияда ҳар бир мусулмон ҳадис илмининг султони Имом Бухорийни, Имом Мотуридийни, буюк олим Али Қушчини, улуг шоир Алишер Навоийни, мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибни, тиб илмининг султони Ибн Синони яхши билади. Улар биз учун ҳам қадрлидир. Қардошлигимиз, дўстлигимиз айна Ҳижратлар билан ҳам боғлиқ. Шу боис аждоқлар меросини чўқур ўрганиш, барчага таништириш, тарғиб қилиш, шу орқали маданият туризмининг равнақ топтириш учун биргаликда кўп ишлар қилишимиз лозим. Бунда халқларимиз ўртасида борди-келди-лар кучайиши, икки томонлама инвестициялар киритиш янада ортиши зарур. Биз бунга тайёриймиз. Гарчи географик Ҳижратдан бошқа-бошқа ерларда жойлашган бўлса-да, кўнгилларимиз бир, бахту қувончимиз бир.

Сўзимнинг сўнгига Туркия халқининг Ўзбекистон халқига саломи ва эзгу ниятларини етказишдан яамин эканлигини билдириб, яамин ўзбек — турк дўстлиги, деб қоламан.

— **Самимий сўхбатингиз учун раҳмат!**

“Халқ сўзи” мухбирлари
Шавкат ОРТИҚОВ,
Омонулла ФАЙЗИЕВ
сўхбатлашди.

Ўзбекистон — Туркия: ПАРЛАМЕНТЛАР АМАЛИЙ ВА ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ТАРАФДОРИ



Учрашувлар давомида билдирилган фикрларга кўра, мамлакатлар ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик, айниқса, жонли ва самарали кечмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида ҳар икки давлат парламент делегациялари бир неча мартадан ўзаро ташрифларни амалга оширди. Буюк миллат мажлисида “Туркия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи, Олий Мажлисининг Туркия Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлари яқин ҳамкорликда ишлаяпти.

Туркия парламенти делегациясининг мазкур ташрифи доирасида парламентларо дўстлик гуруҳларининг илк қўшма мажлиси ўтказилди. Музокара якунида ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси — “Йўл харитаси” имзоланди. Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан Туркия Буюк миллат мажлиси Тадқиқот маркази ўртасида алоқалар ўрнатилди. Томонлар Олий Мажлиси Сенати ва Буюк миллат мажлиси шафелигида Ўзбекистон ва Туркия ҳудудлари форумларини ташкил этиш тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Икки мамлакат олий вакиллик органлари ўртасида ўзаро мулоқотни жонлантириш, қонунчилик соҳасида тажриба алмашиш, парламентларо ҳамкорлик алоқаларини юқори босқичга олиб чиқиш борасида тақдирлар ўртага ташланди.

Учрашувлар якунлари бўйича томонлар йўлга қўйилган парламентларо ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш бўйича биргаликда амалга ошири-лаётган ишларни давом эттиришга қелишиб олдилар.

Муниҳсон ҚАРИМОВА,
“Халқ сўзи” мухбири.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ИЛМ-ФАН ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИГА НАФ БЕРЯПТИМИ?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган вақт мобайнида иқтисодиётда тарқибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда диверсификациялаш, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқларига илмий изланишларни йўналтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилган.



Соҳанинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш борасида тегишли ҳужжатлар қабул қилинган. Инновацион ривожланиш вазирлиги, унинг қошида Инновацион ривожланиш ва новаторлик қўшничилиги қўлаб-қувватлаш ҳамғармаси ташкил этилган. Фанлар академияси фаолияти танқидий ўрганилган ва уни бугунги замон талаблари асосида тамоман ўзгартириш чора-тадбирлари қўрилган. Илмий-тадқиқот институтлари, банклар ҳамда инвесторлар учун биргаликда ишлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Қўнун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектлари муаллифлари ва бизнес сектори вакиллари рағбатлантиришга қаратилган қатор енгилликлар ҳамда солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг илм-фаннинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилгани ва интеграциясини таъминлашнинг долзарб вазифала-

ри юзасидан эшитилган ахборотларида ушбу масалалар бўйича қизгин фикр алмашилди. Қайд этилганидек, инновацион-вий ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ҳаётга татибқ қилиш борасида кенг қўламли сайъ-ҳаракатлар рўёбга чиқарилган. Хусусан, 17 та илмий-тадқиқот институтининг тижоратлаштириш мумкин бўлган ишланмалари намойиши ташкил-лаштирилган. Айни пайтда 43 та ишланмани тижоратлаштириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Тижоратлаштириш ишларини самарали бошлаш учун Фанлар академиясининг энг илғор 10 та илмий-тадқиқот институти 3 та етакчи банкка бириктирилган. Умумий қиймати 80,3 миллиард сўм бўлган жами 16 та ишланма банклар томонидан танабб олнинг. Лойиҳаларни тижоратлаштиришдан олинadиган йиллик даромад жами 123 миллиард сўм бўлиб, илмий-тадқиқот институтларига йилгига 25 миллиард сўм соф даромад тушириб берилиши режалаштирилган. Қатор истиқболли ишланмаларнинг бозори банклар би-

лан ўрганиб чиқишини йўлга қўйилган. Жумладан, 14 та илмий-тадқиқот муассасаси базасида яратилган бўлажақ сар-момиядорлар учун илмий ишланмалардан 33 та энг истиқболлилар аниқланган.

Ҳудудларда инновацион фаоллиқни ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос илмий ишланмалар яратишни йўлга қўйиш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳудудий инновацион марказлар ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳозирги вақтда Қашқадарь, Навоий ва Сурхондарь вилоятларида шундай марказларни қуриш ишлари олиб боришмоқда.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар борасида ечимини кутаётган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, илмий-техникавий йўналишдаги муҳим вазифалар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, депутатлар фикрича, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳасини якунига етказиш зарур. Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар

аттестацияси тизимини тубдан такомиллаштириш, илмий ишлар натижаларини аниқ мақсадларга йўналтириш, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлаш хизматини ташкил этиш, ишланмаларни тижоратлаштириш ягона марказини тузишнинг ҳуқуқий асосларини қабул қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Таъкидланганидек, ҳудудларда инновацион фаоллиқни ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос илмий ишланмалар яратишни йўлга қўйишда совуққонлик билан қараш ҳолатлари учрайди. Масалан, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказ қурилиши учун инвесторларга ер ахратиш ҳамда инновацион марказлар барпо этиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан аниқ амалий чоралар қўрилмаган.

Йилгишда мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари атроф-ла маҳалла етди. Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

ГУЛЛАЁТГАН АДИБЛАР ХИЁБОНИ

Ўзбекистонда сўз усталарини қандай қадрлашлари хусусида.



Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция бунинг яна бир тасдиғидир.

Конференция иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қойишди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини бориб кўришди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур университет ҳам ўзининг замонавий дизайни ҳамда салобатли янги хоналари билан бизни ҳайратда қолдири. Бу, ўз навбатида, филология фанларини ўқитишга ҳам жиддий ёндашув бўлаётганидан далолат беради.

Конференциянинг умумий йиғилишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. Т. Йўл дош е в ў қ и б э ш т и р и д и.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дендер Бадроч, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улугбек Есдавлат, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шухрат Сирожиiddинов ва бошқалар табрик сўзларини айтдилар.

Ундан кейин конференция иши шуьбаларга бўлинган ҳолда давом этди. Уларда ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари, ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш муаммолари, халқаро адабий алоқаларни кенгайтириш бўйича долзарб тақдирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо раислик қилган ижодий музокаралар шуьбасидаги музокамалар эркин услубда олиб борилади.

Унда мосқаллик меҳмонлар йиғилганларни ўз нашрлари билан таништирдилар.

Жумладан, “Иностранная литература” газетаси бош муҳаррири Александр

Ливергант, “Роман-газета” бош муҳаррири Юрий Козлов, “Литературная газета” бош муҳаррири ўринбосари Анастасия Ермакова, “Литературная газета” грант дастурлари директори Алексей Шавлов Россияда адабий-маданий йўналишдаги нашрлар олдидан турган бугунги муаммо ва вазифалар ҳақида сўзладилар.

Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор икки мамлакат — Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги мустаҳкам маънавий алоқалар ҳақида гапирди, “сиёсатчи чегараларни қуриши, ёзувчилар эса уларни бузиб, халқларни бирлаштириш”ни таъкидлаб ўтди.

Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим унинг гапларини маъқуллаб, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги адабий алоқалар тарихи минг йилларни ташкил этишини таъкидлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тожик тилида иқид қилувчи адиблар шуьбаси фаолият олиб бормоқда.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улугбек Есдавлат раиси халқ ўртасидаги азалий иқидий алоқалар тўғрисида тўхталиб, энг асосийси, “тил мавжуд бўлса — миллат бор”лигини эсда тутиш лозимлигини айтди.

Шуьбасиз, “Звезда Востока” журналы бош муҳаррири ўринбосари Клавдия Панченковнинг қилиши ҳам иштирокчилар учун муҳим маърузалардан бири бўлди. Шунингдек, шуьба ишида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Тафаккур” журналы бош муҳаррири Эркин Аззам, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Уктам Мирзиёев, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, таржимон Бегийим Холбекова, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар ҳам бугунги адабий жараён ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Кейинги куни иштирокчиларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўриш учун саёҳатга йўл олди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Литературная газета” газетаси вакиллари ўртасида бугунги адабий жараёнлар ҳақида қизгин давра суҳбати ўтказилди.

“Литературная газета”.
2018 йил, 19 — 25 сентябрь.

Ўзбекистон — инсон саломатлиги қадрланадиган юрт

СОҒЛОМ ЯШАБ, ЮЗДАН ОШАЙЛИК

Ҳар бир инсон кексайиб қолганида ҳам узоқ яшаш, соғлом ва бардам бўлиш ҳақида ўйлайди. Бунинг илоҳи борми?
Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатимизда юз ёшли довондан ўтганлар сони саккиз минг нафардан ортади. Унчалик ҳам фаровон деб бўлмайдиган — фуқаролар ва Иккинчи жаҳон уруши, очлик, қаҳратонлар, вайронагарчиликлар даврида умргузаронлик қилган бу инсонларнинг узоқ умр кўриш сирини нимада?
Бундай нурунийлар билан сўхбатлардан аён бўлишича, улар меҳнат фаолияти туфайли шундай улуг ёшларга киришга муваффақ бўлганлар. Уларнинг ҳаёти доимий жисмоний ҳаракат билан тўлган. Бундай одамлар ҳаммиса ҳаракатда бўлганлар, бу эса тиббиёт вакиллариининг айтишича, организмни мустаҳкамлайди ва чиниқтиради, иммунитетни оширади.

— Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг мазмунини ташкил этувчи асосий нарса — спорт. Табиийки, у билан шуғулланган ҳар ким ҳам чампион бўлиб кетавермайди, аммо барча бош соврин — саломатлик, унга боғлиқ равишда кўтаринкилик, бардамлик ва фаровонлик, узоқ умрни кўлга киритади, — дейди Андижон олимпия заҳиралари бўлса ҳаммактаб-интернатининг волейбол бўлими мураббийи Фарида Харутдинова. — Қўшимчасига, спорт бизни жисмонан чиниктиради, ирода ва чидамлик, жамоавий спорт турларида эса дўстлик ҳамда масъулият сингари кўплаб инсоний хислатларни тарбиялайди. Аммо турли дамжетлар, компьютерлар, автомат йўлларнинг пайдо бўлиши билан ёш авлод орасида жисмоний фаолликнинг ўта паст даражаси кузатишмоқда. Масалан, ўспиринлар, айниқса, шаҳарлик болалар тўпни ҳақиқий футбол майдониди эмас, балки компьютер мониторида тепишга, чиройли бўрилиш ҳаракатларини пойга моточиқлида ёки картингда эмас, компьютер ўйинчоқларида бажаришга ўрганилган. Жисмоний ривожланишнинг йўқлиги оқибатида 20 — 25 ёшга бориб бундай виртуал спортлардада касалликларнинг бутун бошли “гулдастаси” юзага чиқади, руҳият бузилади.

Болалар ва ўсмирлар соғлиқни ёшликдан асраш нақадар муҳим эканини доим ҳам билмаслиги мумкин, аммо ёши улуг одамларнинг ҳам ўз саломатлигига бепасанд муносабатини тушуниш

қийин. Кўп овқатланиш, чекиш, спиртли ичимликларга берилиш, камҳаракат ҳаёт тарзи, асаббузарлик ҳолатлари — мана шулар инсулёт ҳамда инфаркт, қандили диабет, онкологик ва бошқа ёмон хасталиклар сабабчиси. Бундай ҳолатда ҳатто энг замонавий тиббий шароитлар яратиб берилса-да, узоқ яшаш ва соғлиқ ҳақида оруз қилиш ҳам бефойда.

Яратган бизга ато этган умрни узайтириш, соғлигимизни асраш ҳақида биз кўпинча дард тутганда ва шифокорга бориш, дори ҳамда даволаниш учун оиламиз бюджетидан пул сарфлашга тўғри келган пайтдагина ўйлаймиз. Афсуски, бу ҳаражатларни ҳисоб-китоб қилиб кўриб, нега айнан мен бемор бўлиб қолдим, дея ўзига савол берадиганлар кўп эмас. Ахир ҳаммаси оддий. Касал бўлиш — ўз саломатлигимизга бепарво муносабатда бўлганимиз учун тўланадиган тоvon.

Соғлиғи ҳақида қайғурадиган, узоқ ва бахтли ҳаёт кечирешини истидадиган инсон бу мақсадга албатта эришади.

110 ёшни кўрган бухоролик юрдошимиз Мустафо Бухомиддин ҳаётида илк марта қайдовчиликка тиббий комиссиядан ўтиш учун 1983 йилда — 105 ёшида шифохонага келган экан. Уша вақтлардаги газеталарда ёзилишича, бу инсоннинг саломатлиги ва узоқ умр кўриш сирини жуда осон. Мустафо ёшлигидан жисмоний меҳнатда улғайган, кўп пиёда юриб, транспортдан камдан-кам фойдаланган, чекмаган, тўғри овқатланган.

Бутун умри спорт ва педагогик

фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган қорақалпоғистонлик 82 ёшли Юрий Кулаковнинг ҳаётини ҳам замонашларимиз учун намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Юрий Иванович дардга чалинган пайтлари асло таслим бўлмади ҳақида ўзига сўз берган экан. Оёғидаги оғриқни енгиб, у Қорақалпоқ давлат университетидидаги иш жойига қатнашдан тўхтамаган. Бу даргоҳда у жўшқин жараёнлар, талабалар билан мунозара ва мулоқотлар, шогирдларнинг муваффақиятлари туфайли ҳис этиладиган ёрқин кечинмалар қўршовида бўлган. Ўз суюкли жамоангнинг рақиб устидан ғалабаси наши-дасига ҳеч қандай қайноқ ҳис-ларят тенглашолмайди. У инсонга ҳаётий куч ва қувват бахш этади. Ана шуларнинг барчаси дардини енгиб ўтишга ёрдам берган. Энди эса, газетамизнинг минтақадаги мухбирининг айтишича, мазкур олий ўқув юртининг бирорта спорт тадбири ҳам, республика миқёсидаги мусобақалар ҳам Кулаков иштирокчиси ўтмайди.

Бундан 12 йил аввал Кулаковнинг 70 йиллик таваллузига бағишлаб чиқарилган “Ҳаёт — бу синов” китобида қуйидаги сўзлар бор: “...унинг ҳаёт тарзи — ёшлар ҳали узоқ вақт ўрганадиган катта бир санъатдир”. Бу фикрга қўшилмаслиқнинг илоҳи йўқ.

2017 йилда Иқтисодий тадқиқотлар маркази мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, пойтахтда яшовчи аҳолининг деярли кўпчилигида овқатланиш рацисини бир меъёрга эмас. Оқибатда уларнинг учдан бир қисми ортқича вазидан азият чекапти. Тошкентликларнинг 60 фоизидан зиёди камҳаракат ҳаёт тарзида яшайди ва кўпи билан кунига 20 — 30 дақиқа пиёда юриди. Бутун дунёда илм-фан ва техниканинг ишдидати ривож билан гиподинамия, камҳаракатлилик, скелет мушаклари ва юракка му-



шаётган юқнинг пасайиши оммавий кўриниш олди.

Илгарилари иқтисодиётнинг турли соҳаларида жисмоний меҳнат 90 фоиздан зиёдни ташкил этган бўлса, XXI асрга келиб ушбу кўрсаткич кўплаб давлатларда деярли бир фоизгача қисқариб кетди. Биз иш жойида бўлиб туриб, фақатгина клавиш ва тугмачаларни босиш билан кифояланамиз, қолганини роботлар ва механизмларнинг ўзи қияпти, керакли манзилга автомобилда етиб олаемиз, уйга келиб, қулай ўриндиққа жойлашиб оламиз. Замонавий одам ҳатто идиш-товоқни ҳам ўзи ювмаяпти. Унинг учун бу ишни идиш ювувчи машина бажармоқда. Хуллас, умуман жисмоний машғулотларсиз турмуш тарзи. Ахир ҳаёт, бу — ҳаракат эмасми? Усиз эса инсон организмиз эрта қариши ҳам айна ҳақиқатдир.

Бирок мазкур муаммонини соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб тўлиқ ҳал этиш мумкин. Саломатлик ва узоқ умр кўришнинг асосий талаби қуйидаги уч омилга риоя қилиш ҳисобланади. Бунинг буюк аллома Ибн Сино ҳам ўз асарларида


эслатиб ўтган: жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш, овқат ва уйқуну меъёрга улашадир.

Ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган мазкур қоидаларга асосланган ҳолда жаҳоннинг турли мамлакатларида фуқаролар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Масалан, АҚШда бир вақтнинг ўзида тўғри овқатланиш, аҳолини жисмоний маданият ва спорт билан ошно қилишга қаратилган қатор дастурлар ҳаётга татибқ этиб келинмоқда. АҚШ Миллий саломатлик институти ҳисоб-китобларига кўра, профилактик соғломлаштириш тадбирларига ақра-тилган бир доллар лаборатория текширувларига кетадиган саккиз доллар, касалликни даволаш учун сарфланадиган 320 долларни тежаб қолар экан. Данияда шуларни инобатга олиб велоспортни ривожлантиришга катта сармоя қилинган, Германияда соғлом овқатланиш ва фаол ҳаёт тарзи таъминлашнинг илгари сурми бўйича “Бардам бўл!” лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишга

давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Президент Шавкат Мирзиёев яқинда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилишида мутахассисларга мамла

Дунё нигоҳи



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕЗ ОРАДА ТЎҚИМАЧИЛИК БОЗОРИДА ЕТАКЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАЙДИ»

Америка Қўшма Штатлари Меҳнат вазирлигининг Ўзбекистонда етиштирилган пахтани “Болалар меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати”дан чиқариш тўғрисидаги қарори ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Хорижий оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуга доир билдирилган фикр-мулоҳазаларда мазкур қарор табиий ва узоқ кутилган воқеа сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, республикамизда сўнгги йилларда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ютуқларга эришилгани барчага аён.

Жумладан, Вашингтонда чоп этиладиган “**Ecotextile**” журналида маълум қилинганидек, жорий йилнинг 20 сентябрь куни АҚШ **ECOTEXTILE** NEWS

Меҳнат вазирлиги болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди. Хужжатда Ўзбекистон тўртинчи ўриндан иккинчи ўринга кўтарилди. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида “қонунчилик билан тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳукумат сиёсати ва ижтимоий дастурлар билан боғлиқ айрим жиҳатлар бўйича салмоқли чоралар кўрган мамлакатлар” тоифасига кирди.

Ўз навбатида, “**The Calvert Journal**” нашрида берилган шарҳда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда



дий чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланади. “2018 йил январда Ўзбекистон вакиллари илк бор Нью-Йоркдаги “TexWorld USA” халқаро тўқимачилик кўргазмасида қатнашди. Февраль ойда эса Халқаро меҳнат ташиқоти Ўзбекистон болаларни меҳнатга тизимли тарзда жалб қилишни тўхтатганини эътироф этди”.

Буюк Британиянинг “**Just-Style**” газетаси журналистлари Ўзбекистон учун жаҳон бозорига “оқ олтин”ни ва унинг асосида тай-



ёрланган тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича янги имкониятлар очилмоқда, деб ҳисоблайди. Кейинги йилларда республика ҳукумати пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг замонавий, са-

марали ва атроф-муҳитни асрайдиган шакллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ва пахта хом ашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, пахтани чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган. Буюк Британиянинг яна бир газетаси, 1935 йилдан буюн Қироллик журғофий жамияти (Royal Geographical Society) томонидан чоп этиб келинаётган “**Geographical**” нашрида 2017 йил сентябрь ойда Президент Шавкат



Мирзиёев илк бор ушбу масалани БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси чоғида жаҳон ҳамжамияти олдида глобал даражада кўтаргани қайд этилади. “Ўз нутқида Ўзбекистон раҳбари Халқаро меҳнат ташиқоти билан ҳамкорликда мамлакатда мажбурий ва болалар меҳнати бартараф этиш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилгани тўғрисида ахборот берди. Шу йилнинг ўзида ҳукумат томонидан бюджет ташиқотлари ходимлари пахта теримига жалб қилинмаслиги ҳақида яна бир бор баёнот берилди”.

Ҳиндистоннинг **Мудофаа тадқиқотлари ва сиёсий таҳлил институти** веб-сайтида жойлаштирилган мақолада таъкидланганидек, жаҳон тўқимачилик бозорида Ўзбекис-



тондек йирик давлатнинг фаоллашуви “ўйин қоидалари”ни ўзгариштириш ва бутунжаҳон пахта савдоси ҳақмига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин: “Республика юқори сифатли ипакни экспорт қилувчи етакчи давлатлардан бири эканлигини ҳам ёдда тутмоқ лозим. Пахтачилик соҳасида юз бераётган ижобий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, тез орада Ўзбекистон тўқимачилик бозорида етакчи ўринни эгаллайди, деб тахмин қилиш мумкин”.


Анвор МИРЗАЕВ (‘Халқ сўзи’) тайёрлади.

АУДИТ қулай бизнес муҳити яратадиган тизимга айланади



Яқинда Президентимиз “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Мазкур ҳужжат аудиторлик соҳасини ривожлантириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро ташиқотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқишгача бўлган жараёнларни қамраб олган.

Хўш, аудит нима? Бизнесга алоқадор бўлган корхона ёки ташиқотнинг молия-ҳўжалигини ҳолис ўрганиб, ундаги маблағ тўғри сарфланаётганини аниқлаб берадиган хизмат шу ном билан аталади. У Ўзбекистон бозори учун янгилик эмас. Ҳаётида бир марта бўлса ҳам корхонага бош бўлган, бизнес қилиб, ҳўжалиқ юрттаган киши учун аудит фаолиятининг барча жараёни таниш. Корхона маблағ харжи билан боғлиқ ишларни бир элакдан ўтказиш, йил якунида акциядорлар олдида бошни балан дўтариб ҳисобот бериш учун деярли барча тадбиркорку давлат улуш тиккан корхоналар мажбурий, ҳоҳида ихтиёрий ҳолда аудит хизматидадан фойдаланади. Айниқса, бизнесда очиклик ва ҳалоллик таомойиллари жорий этилаётган, тадбиркорлик субъектлари, йирик корхоналар сони кўпайиб, иқтисодиёти жаҳон бозорига мослашаётган юртимизда малакали аудит хизматиға бўлган талабнинг ортиб бориши турган гап.



қобат муҳити шаклланиб қолгани, соҳада фаолият юритадиган мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари фақат расмийликдан иборатлиги мамлакатдаги аудит бозори ривожига, четдан сармоя кириб келишиға салбий таъсир кўрсатаётгани. Айни чоғда

Мазкур ҳужжат билан аудит фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Аудиторлик фаолиятини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ёшларни шу соҳаға, фаолиятини шунга ихтисослаштирилган ташиқотларни эса халқаро аудиторлик тармоқларига кенг жалб қилиш, аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини ўрнатувчи халқаро ташиқотлар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, миллий аудит тизимини ривожлантириш бўйича 5 та бўлим, 15 та банддан иборат чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Хужжатга асосан, 2019 йилнинг 1 январидан аудиторлик фаолиятига қўйиладиган талаблар енгиллаштирилмоқда, — дейди Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси бўлим бошлиғи Шарофиддин Ҳайдаров. — Яъни “аудиторлик ташиқоти” деган мақомға эга бўлиш учун тадбиркорлик субъектлари ягона реестриға киритилган ташиқот ўзи ҳақидаги маълумотни аудит ташиқотлари рўйхатиға киритиш муддати 3 ой қилиб белгиланди. Эндиликда фаолият учун олинган лицензия мазкур

ташиқотға аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берадиган бўлди. Аудиторлик ташиқотининг устав капитални эса фаолиятни амалға оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, хусусан, пул маблағи ҳисобидан шакл-

капиталининг энг кам миқдорига қўйилган қатъий талаб ва аудиторлик ташиқоти раҳбарларини аттестациядан ўтказишга оид мажбуриятлар бекор қилинди.

Хужжатда қайси корхоналарға аудит текшируви зарурлиғи ҳам аниқ қилиб белгиллаб қўйилди. Яъни 2020 йил 1 январдан бошлаб активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробаридан, маҳсулотлар, хизматлари реализация қилишдан тушган маблағ энг кам иш ҳақининг 200 минг баробаридан ошган ва ходимлари сони 100 кишиға етган ташиқотлар ҳар йили мажбурий аудит текширувидан ўтказилади.

Текширувлар Бухгалтериянинг халқаро федерациясини томонидан нашр этиладиган аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалға оширилади. Унинг натижалари Молия вазирлигининг доимий назоратида бўлади. Айнан шу мақсадда вазирлик таркибиди Аудиторлик ташиқотлари билан ишлаш бўлими ташкил этилмоқда.

Қарор билан яна бир ўзгариш қилинади, яъни аудиторларға малака сертификати дастлаб беш, кейин ўн йилға ва ундан кейин муддатсиз даврга берилади. Давлат солиқ қўмитаси ҳам бу йўналишда тизимли иш олиб боради. Ҳар бир аудит жараёнининг ва корхоналарнинг молиявий ҳолати шаффофлигини таъминлаш мақсадида қўмита ҳар йили 1 июлға қадар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган ҳўжалиқ юритувчи субъект ва аудиторлик ташиқоти идентификация қилиш маълумотларини, текширув ҳулосалари нусхаларини ўз беш-сайтида жойлаштириб боради.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тошкент молия институти тегишли вазирлик ва идоралар кўмағида халқаро амалиётни ўрганиб чиқиб, 2018/2019 ўқув йили давомида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштиришда, таълимға инновациян усулларни жорий қилади.

Қарор асосида миллий аудит бундан буюн фақат текширувчи эмас, айна чоғда қулай бизнес муҳитини яратишға муносиб ҳисса қўшадиган тизимға айланади.

Беш прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРДИ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қайта молиялаш ставкасини 2018 йилнинг 25 сентябридан йиллик 14 фоиздан 16 фоиз этиб белгиллади. Мазкур қарор сўнгги ойларда юзаға келган ташиқ иқтисодий вазиятти инобатға олган ҳолда қабул қилиниб, инфляцион кутилмаларнинг ошиши, маъмурий тартибға солинадиган нархларнинг ўсиши ва валюта алмашув курси ўзгаришининг ички нархларға таъсири кучаяётган шароитларда инфляцион босимни пасайтиришға йўналтирилган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Йиллик инфляция сурьатларининг секинлашиб боришиға қарамаздан, инфляцион хатарларнинг қучайиш ҳисобига келгусида ушбу динамиканинг ўсиш томонға ўзгариши эҳтимоли кескин ошди. Пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши бу каби хатарлар ва инфляцион кутилмалар пасайишиға хизмат қилади.

Хўш, айна пайтда мамлакатимизда инфляция даражаси қандай ва келгусида қай даражада бўлади? Марказий банканд тақдим этилган маълумотларға қарағанда, инфляция даражаси жорий йилнинг август ойида ҳам дастлабки таҳлиллар доирасида пасайишда давом этиб, 15,7 фоизни ташкил қилди. Бунини мева-сабзавотлар нархлари мавсумий арзоналаиши ҳамда 2017 йилдаги пул массаси ошиши ва миллий валюта девальвациясининг инфляция даражасига таъсири қамаийб бориши билан изохлаш мумкин.

Марказий банк томонидан 2018 йилнинг бошида иқтисодий ривожланишининг базавий дастуриға мувофиқ, йил якуни бўйи-

ча инфляция даражаси 11,5 — 13,5 фоиз оралиғида бўлиши кутилган эди. Аммо юзаға келган ҳолат монетар сиёсатнинг 2018 йилға мўлжалланган асосий йўналишлари ва кейинги пул-кредит сиёсати шарҳларидан қайд этилган инфляцион хатарларнинг кучаяётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, аввало, ташиқ омилар таъсирида сўмининг “реал самарали алмашув курси”нинг ошиб бораётганлиги, кредитлаш ҳажмининг юқори сурьатларда ўсиши натижасида иқтисодиётда истеъмол ва инвестиция талабининг қучайиши, маъмурий тартибға солинадиган нархларнинг қучайиш даражаса нисбатан юқориқорқ оширилиши, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ тарифларининг бозор шароитларига мослаштирилишининг қучайишганлиги, бюджет ҳаражатларининг прогноз кўрсаткичларидан юқори бўлиши ва умумлаштирилган Давлат бюджетининг мувозанатли ижросини таъминлаш бўйича хатарларнинг ортиши билан изохланади.

Бугунги кунда ташиқ иқтисодий ҳолат ва унинг таъсирида

кич барқарор даромадлилик кўрсаткичларига қиқиши 2019 йил ва ундан кейинги йилларда ЯИМ реал ўсиши сурьатларининг ошишиға ижобий таъсир кўрсатади. Асосий капиталға йўналтирилган инвестициялар, шу жумладан, ҳукуматнинг инвестицион характердаги харажатларининг юқори ўсиш сурьатлари ҳамда истеъмол талабининг ошиши ташиқ омиларнинг иқтисодий ўсишға салбий таъсирини юмшатиш имконини беради.

Хусусан, қурилиш, айниқса, уй-жой қуриш ишларининг ортиши ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг амалға оширилиши ушбу тармоқлар ва уларға туташ халарда қўшимча иш ўринларини яратишға хизмат қилади. Шу билан бирға, асосий савдо-ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий ва молиявий барқарорлик урта муддатли истиқболда миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиғи якунлари бўйича тўлов баланси жорий операциялар ҳисобварағи қолдиғи -1,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу, асосан, ускуналар, технологик линиялар, хом ашё ва ишлаб чиқаришға мўлжалланган бошқа товарлар импортнинг юқори сурьатларда ўсиши билан изохланади.

2018 йилнинг II чорағида валюта тушумларининг ортиши монетар олтинни сотиб олиш натижасида вужудға келган қўшимча ликвидлигини ўз вақтида стерилизация қилиш борасидаги Марказий банк имкониятларини қисман чеклади. Шу билан бир қаторда, 2018 йилнинг август ва сентябрь ойларида бюджет ва бюджетдан ташқари ҳамғармалар маблағларининг ишлатилиши маълум даражада қўпайиши кузатилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, банк тизимидаги ликвидликнинг қўшимча ошишиға олиб келмоқда. Натижада банклар ликвидлигининг маълум даражада ошиши кузатилиб, ушбу ҳолат банклараро пул бозоридаги (июндаги 13,1 фоиз ва июлдаги 12,8 фоиздан августдаги 10,6 фоизгача) ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишида ўз аксини топди.

Қайта молиялаш ставкасининг оширилиши мажбурий резервларни шакллантириш механизми ўзгариши билан бир қаторда, депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкаларини таъминлаш орқали сўмдаги

жамғармаларнинг жозибадорлигини ҳамда истеъмол ҳажмининг мувозанатли ўсишини қўллаб қувватлайди. Шу орқали банк тизимида пул ресурслари қиқиб кетиш хатарини пасайтиради. Қайта молиялаш ставкасининг оширилиши, биринчи навбатда, инфляцион кутилмалар ва ташиқ инфляцион омиларнинг қучайиши билан боғлиқ хатарларни минималлаштиришға қаратилган. Ажратилаётган кредит қўйилмаларининг қарийб ярми давлат дастурлари доирасидаги кредитлар ҳиссасига тўғри келиши, шунингдек, 2018 йилнинг 1 октябридан бошлаб жорий этиладиган мажбурий резервлар бўйича янги нормативлар депозитлар бўйича фоиз ставкалари ошганда ҳам кредитлар бўйича ставкаларни ошириш заруратини қамайтириб, банкларға фоиз юкламасини пасайитириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мазкур қарор иқтисодий ўсиш сурьатларига салбий таъсир кўрсатмаслиғидан далолат беради.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишда инфляцион хатарларни диққат билан кузатиб боради ва келиб тушаётган маълумотлар таҳлиliga асосланган босқичма-босқичли ёндашувдан фойдаланади.

Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 25 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмға нисбатан қўйидаги қийматини белгиллашға*)

1 АҚШ доллари	8079,28
1 евро	9492,35
1 Россия рубли	121,46
1 Англия фунт стерлинги	10564,47
1 Япония иенаси	71,78
1 Жанубий Корея вонни	7,25
1 Кувайт динари	26702,18
1 Малайзия ринггити	1957,19
1 Канада доллари	6256,70
1 Хитой юани	1178,44
1 Сингапур доллари	5923,23
1 Швейцария франки	8429,97
1 БНА дирҳами	2199,88
1 Миср фунги	452,11
1 Австралия доллари	5888,99
1 Туркия лираси	1284,12
1 СДР	11352,60
1 Украина гривнаси	288,13
1 Польша злотийси	2204,50

*) Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Биз энди келажак хизматидамиз

Бу галги янги ўқув йили, биз ўқитувчилар учун қўшалоқ қувонч билан бошланди. Чунки айнан 5 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Ушбу ҳужжат кўламини, аҳамияти, мазмун-моҳияти билан ўқитувчининг обрў-эътиборини, жамиятда нуфузини, қадрини, қаддини кўтаришга қаратилган.



1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ушбу тарихий ҳужжат билан танишган ҳамкасбимиз борки, қувонч билан: “Мана, бўлар экан-ку” деб фахрланипти. Бугунги ислохотлардан суюниб, эртанги кунга бўлган ишончимиз ортиб бораётган бир пайтда мазкур Фармоннинг қабул қилингани нур устига нур бўлди.

Президентимиз ташаббуси ва эътибори туфайли соҳада олиб борилаётган ислохотлар ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини кучайтиришга, ўқитувчилик касбининг нуфузини тиклаш ҳамда оширишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августда қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада кенг имкониятларни очмоқда.

Мазкур ҳужжат педагог ходимларнинг ижтимоий макени юксалтириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позицияга эга, фидойий ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга оид ишларни давр руҳида мос тарзда такомиллаштиришга қаратилган. Айни пайтда умумтаълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият, олимпия захиралари мактаб-интернатлари, академик лицейлар битирувчиларига аъло

билими, намунали хулқи ҳамда жамоат ишларида фаоллиги учун олтин ва қумуш медаллар таъсис этилгани ҳам юрдошларимиз, кенг жамоатчилик, зиёлилар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Шунингдек, Фармонда низо-ятда муҳим вазифалар белгиланган. Жумладан, 2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинг тузилади. Бу жуда оқилона фикр. Сабаби ўзаро рақобат бор жойда ўсиш, ўзгариш бўлади. Қолаверса, умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсияонерларга, уларнинг ушбу муассасалардаги фаолияти асосий иш жойи ҳисобланган тақдирда, пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши ҳам адолатли ҳулосадир. Негаки, тажрибали ўқитувчилар ҳозир сув ва ҳаводек зарур. Афсуски, аксарияти пенсияда эканлиги боис улардан фойдалана олмаётгандик.

Ҳадемай, касб байрамимизни нишонлаймиз. Ана шундай қувончли кунлар арафасида қомил ишонч билан айтимизки, тизимдаги муаммо ва камчиликлар бутунлай барҳам топади. Президентимизнинг гамхўрлиги ва эътибори биз, ўқитувчи ҳамда мураббийларни таълим сифатини тубдан яхшилашга ундайди. Бошқача айтганда, энди бор билим ва салоҳиятимизни ишга соладиган фурсат етди.

Муҳтарам ҲАСАНОВА,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳибига,
Боёвут туманидаги
19-умумий ўрта таълим мактаби директори.

«ЎЗБЕКИСТОН СОВҒАЛАРИ» ХОРИЖЛИКЛАРНИ ҲАМ ҲАЙРАТГА СОЛДИ

Пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида “Ўзбекистон совғалари” биринчи республика кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда 135 нафардан ортиқ хунармандлар 32 йўналиш бўйича қатнашди. Хунармандчилик буюмларида акс этган миллийлик хорижлик сайёҳлар билан бир қаторда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма

— Бу ерда намоёиш қилинган камалак тусли адраслар, ҳарир шарфлар, рўмонлар гўзаллиги билан мени ром этди, — дейди Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳридан келган сайёҳ Пайнн Клемсон хоним. — Бу кўргазмадан жуда кўплаб суратлар олдим. Уларни юрдошларимга тезроқ кўрсатиш учун ошиқяман.

— Отам телпақдўзлик

касби билан шуғулланган, — дейди кўргазма-савдо иштирокчиси, Зангиота туманилик яққа тартибдаги тадбиркор Арофат Йўлдошева. — Болалигимда телпақлардан ортиган қийқимларни бир-бирига улаб, қўғирчоқлар тикишни яқши кўрадим. Бора-бора қизиқишларим қатъий мақсадга айланди. Эндilikда бу фаолиятни оилавий бизнесга айлантириб, оиламиз аъзоларидан



ташқари, яна ўн нафар кишини иш билан таъминладик. Кўргазмага биз олиб келган қўғирчоқларга катта қизиқиш билдирилмоқда.

Мазкур ижодий лойиҳа Республика “Хунарманд” уюшмаси томонидан Савдо-саноат палатаси,



ларга юз минг долларлик, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига 350 миллион сўмлик хунармандлик буюмлари сотилди.

Тадбир якунида турли номинациялар бўйича голибликни қўлга киритган хунармандларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Сўрайё РАВШАНОВА.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

МАҚОМ — НОЁБ БОЙЛИК, САНЪАТИМИЗ ГУЛТОЖИ

Мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро алоқаларни ривожлантиришда санъатнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Уларни бирлаштиришда, қалбларни туташтиришда. Бунга биз Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 6 — 10 сентябрь кунлари Шаҳрисабзда ўтказилган Халқаро мақом санъати анжумани мисолида яна бир қарра гувоҳ бўлдик.

ФАХР

Мазкур форум юқори савияда ташкил этилганлиги, бутун дунё маданият ва санъат аҳлида катта қизиқиш уйғотганлиги билан ажралиб турди. 73 давлатдан келган хорижлик санъат ихлосмандлари, дипломатик корпус вакиллари, хонанда ва созанда-ларни ҳам бирдек мафтун этган жиҳат бу — қадимий Оқсаройдаги ҳозир, тарих ва замонавийликни ўзида мужассам этган чиқишлар, маҳаллий фольклор ансамблларининг лапару алоҳидлиги бўлди. Шу билан бирга халқимизнинг меҳмондўстлиги, самимияти, куй ва навои қадрлаши ҳам меҳмонларни ҳайратлантирди, ҳавасини келтирди.

Ёшларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалбида муқом санъатимизга муҳаббат уйғотишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимида таъкидлаганидек: “Бу ноёб бойлиқни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси

насларга безавол етказиш турли қўша ва мамлакатлар вакиллари бу гузал масканда мужассам этган анжуманимизнинг асосий мақсадидир”.

Халқаро санъат байрамида Буюк Британия, Қувайт, Баҳрайн, Ҳиндистон, Тожикистон, Эрон каби мамлакатлардан келган санъаткорларнинг чиқишлари фестивалга ўзгача ҳозирча бағишлаган бўлса, японияликлар ўзбек халқига нисбатан юксак ҳурмати ва эҳтиромини миллий қўшиқларимизни ихро этиш орқали кўрсатди. Бу эса минглаб санъат мухлислари, халқимизни беҳад қувонтирди. Тинчликни тараннум этиш, халқларни эзгуликка ундаш, фарзандларимизни азалий урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялашдек улғувор мақсадларни ўзида мужассамлаштирган мазкур анжуман бардавом бўлиб, дилларни хушнуд айлайверсин.

Иқбол ТОШПЎЛОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

2018-2019 йилги ҳаж ва умра мавсумларининг зиёратчилари учун тўрт валентлик, бир дозалик АСУВ-135 менингококк вакцинаси ва мавсумий грипп вакцинасини сотиб олиш юзасидан тендер эълон қилади.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маълумот учун телефон: (+99871) 240-18-58.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

2018-2019 йилги ҳаж ва умра мавсумларининг зиёратчилари учун Ўзбекистон рамзи туширилган камзул ва сумка тикиб бериш юзасидан тендер ўтказилишини эълон қилади.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маълумот учун телефон: (+99871) 240-18-58.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЕР ТУЗИШ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ («ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА»)

қуйидаги ихтисослик бўйича
2019 йил учун танлов
эълон қилади:

Таянч докторантура (PhD)

06.01.10 — Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги — 4 ўрин.
Докторантура (DSc)
06.01.10 — Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги — 1 ўрин.

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.
Қабул «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги» низоми асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, «Ц» мавзеси.
Телефонлар: (0-371) 273-73-00, 273-73-61.
Факс: (0-371) 273-03-10.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2019 йил учун таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD) ҳамда мустақил изланувчилик — фалсафа доктори (PhD)га 17.00.02 — Мусиқа санъати ихтисослиги бўйича қабул эълон қилади.

- Таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD) — 2 ўрин ҳамда мустақил изланувчи — фалсафа доктори (PhD)га талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: 1000027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй,
Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
Телефонлар: (0-371) 244-94-50, 244-95-09, 244-83-81 (девоҳона).

7750/482

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРҒОНАГАЗ» филиали

Нефть-газ тармоғида меҳнат муҳофазаси бошқаруви ягона тизимининг 7.19.10-банди, 1-иловаси ҳамда 11.3.8-банди 12-иловасига асосан, филиалда меҳнат қилувчи ишчи-ҳодимларга 2 000 дона «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича гувоҳнома» ҳамда 2 000 дона «Йўриқнома ўтказиш ва ўқитишни қайд этиш шахсий варақаси»ни босмаҳонада тайёрлаш учун махсус лицензия ҳамда гувоҳномага эга бўлган ташкилотлардан тижорат тақлифлари қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиновий кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+99873) 229-04-36.
«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

8100/172

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «SAELO», «AMKODOR-SEMAШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибутори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчқили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жихозлар

Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар

гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

7750/482

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баланглиги: С-18, С-35, С-57
Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 39 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 44 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 48 800 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 51 000 сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 57 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.

6418/295

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлағмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмаҳона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6